

КРЕАТИВ ЁШ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ НИСБАТИ

Н.Маматов д.ф.н. проф
University of science and technologies

Мақолада креатив ёш авлодни шакллантириш бўйича Республика Президенти томонидан қўйилган вазифалар ҳамда ушбу вазифаларни бажаришда ривожланган мамлакатлар ва туркий забон давлатлари тажрибаларидан фойдаланган ҳолда таълим мазмунига кўпроқ амалий таълим билан боғлиқ технологияларни киритиш бўйича мулоҳазалар баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: Таълим мазмуни, креатив таълим, илғор давлатлар таълим технологияларидан фойдаланиш, таълимда назария ва амалиёт нисбати, замонавий таълим технологиялари.

Кириш. XXI аср таълим тизими ислоҳи бўйича барча давлатлар олдида муҳим вазифаларни қўймоқда. Шулар жумласига креатив ёш авлодни шакллантириш ҳам киради. Ушбу вазифа бир кунлик ва бир йўналишли вазифа бўлмасдан балки у ўз ичига маълум бир даврни ўз ичига олувчи ва бир қатор йўналишлар кесимидан иборат бўлган интегратив вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифасни ҳал қилишда ҳар бир давлат ва миллат ўзининг тарихий тажрибасидан ҳамда бугунги кундаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ижтимоий-маданий имкониятларидан ва ривожланган мамлакатлар илғор тажрибаларидан омилкорлик билан фойдаланиш асосида ҳал қила олади. Бунда албатта ҳар бир давлат ўз олдида турган вазифаларни аҳамиятлилигига кўра классификация қилган ҳолда ҳал қилишга киришади. Бунда белгилувчи мезон ёш авлоднинг ўрта мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртини битиргандан кейинги меҳнат бозоридаги қиймати ҳисобланади. Ушбу ҳисобга олинган таълимдаги назария ва амалиёт нисбатини роционал ташкил қилиш бугунги кун учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Мақоланинг мақсади. Креатив ёш авлодни шакллантиришда назария ва амалиёт нисбатининг моҳиятини очиб бериш ва унда амалиёт имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш усул ва воситаларининг ролини кўрсатиш.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон Республика Президентининг “Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг моҳияти, тизимли-функционал таҳлил ҳамда К.Поппернинг илмий билимларнинг ўсиши назарияси ҳисобланади.

Илмий муаммонинг қўйилиши. Креатив ёш авлодни шакллантиришда кўп факторлик қарашидан келиб чиқган ҳолда кўп векторлик методологияси асосида масаланинг ечимини танлаш ва шу асосда креатив таълимни ривожлантириш заруриятини тушуниш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлил ва натижалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқларида инсон капиталини

ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш Ўзбекистон ўз олдига кўйган стратегик вазифалардан бири эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтдилар ва “Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида”ги 2023 йил 11 сентябр ПФ-158-сонли Фармонларида Ўзбекистон Глобал Инновацион Индексида **Топ-50 талик** мамлакатлар рўйхатига киришини таъминлаш, ҳар бир миллион аҳолига тўғри келадиган тадқиқотчилар сонини **2 минг нафарга** етказиш, ички ва ташқи бозорларда тижоратлаштириш натижасида яратиладиган янги инновацион ишланмалар сонини эса **2 бараварга** ошириш мўлжалланганлигини алоҳида кўрсатиб бердилар.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун, Ўзбекистон ўз имкониятларидан келиб чиқиб ўзида ўзининг таълим тизимини креатив асосда ривожлантириши, 2020 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунни соҳадаги ислоҳотлар ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириши, таълимга замонавий методика, сифат ва рақобат муносабатларини киритиш учун кенг йўл очиб бериш имкониятини яратиши, кўп босқичли миллий таълим тизимимизни модернизация қилиши, ўқув, илмий, ишлаб чиқариш жараёнлари ўртасидаги ҳамкорликга асосланган янги илмий методик тизимни жорий қилиши керак бўлади.

Бугундан оқ мамлакатимизда ўрта таълим ўқувчиларида лойиҳалар тайёрлаш, уни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш, ижодий ишларни амалга ошириш, юқори даражали инновацияларни қўллаб-қувватлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига олиб кириш, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий рақоботларга дош бера оладиган касб эгаларини тарбиялаш, юқори синф ўқувчиларининг индивидуал қобилиятларидан, таълимдан кейинги касбга кўра қизиқишларидан, ҳамда, меҳнат бозорида ўз ўрни ҳақидаги тасаввуридан келиб чиққан ҳолда таълимни давом этиришига ижтимоий, моддий, касбий шарт-шароитлар яратиш, турли категорияларда таълим олаётганларга тўлақонли таълим олишлари учун кенг имкониятлар яратиш масаласи давлат сиёсатида айланиб қолди.

Албатта, ушбу сиёсатни амалга оширишда биз нафақат ривожланган давлатлар-Япония, Жанубий Корея, Финландия кабилардан ташқари Туркия, Татаристон, Қозоғистон каби туркий забон давлатлар тажрибасидан ҳам унимли фойдаланишимиз, уларни ўрганишимиз мамлакатимиз имкониятидан келиб чиққан ҳолда ушбу тажрибаларни ҳаётга тадбиқ қилишимиз керак бўлади. Чунки, таълим ҳамиша миллий турмиш тарзи, унинг маъданияти, мақсади, мудаолари ва тил имкониятлари билан бевосита боғлиқдир.

Агар биз бугун шулардан келиб чиққан ҳолда, масалан STEAM технологияси асосида мактабгача, бошланғич, ўрта таълимда касбий таълим дастурини яратиш учун Туркия ёки Татаристон, Қозоғистонда эришилган тажрибаларни ўргансак, таълим ташкилотларда хизмат қилаётган кадрлар мониторингини яқин ва узоқ келажакдаги таълим масканларида амалга оширилиши кўзда тутилаётган амалиётларни ҳисобга олган ҳолда олиб борсак қўл бошқарувидан тизимли бошқарувга тезроқ ўтсак кўзланган мақсадга етишимиз осонроқ кечган бўлар эди.

Маълумки, советлар давридаги барча иттифоқдош давлатларда бир хил таълим тизими дедуктив тамойилга яъни умумийликдан алоҳидаликга йўналтирилган тамойилга асосланган таълим тизими ишлаган эди. Афсуски, ушбу тизим бугун ҳам кўпчилик илгариги совет иттифоқи таркибига кирган давлатларда мустақилликдан кейинги даврларда ҳам ўзининг белгиловчилик ўрнини бошқа педагогик технологияларга бермади. Таълимда назария ва амалиёт нисбатида назариянинг мавқеи устуворлиги сақланиб қолинди.

Тушунарли, назария ва амалиёт интегратив бирлик характериға эға. Аммо, бу бирликға ижтимоий ҳаётда қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда базан назарияға, базан эса амалиётға урғу берилади.

Бизнингча, ушбу илгари совет иттифоқи таркибига кирган давлатлар бугун ўзларининг таълим сиёсатида назарияға асосланган амалиётнинг бирламчилигига урғу бериш бўйича ҳамкорликни янада такомиллаштирсалар яхши бўлган бўлар эди. Чунки, мамлакатлар хўжалигининг барча тармоқларига бугун малакали, мустақил мутахассислар, соҳа профессионаллари бениҳоя зарур.

Мустақил мутахассисларни тайёрлаш мактабгача, мактаб таълими, ўрта махсус таълимдан бошланади. Ушбу таълим дастурларида амалий таълим, яъни кузатиш, таҳлил, бевосита ижро ўқувчиларға берилаётган таълим ва тарбия жараёнининг 70 % дан кўпроғини ўз ичига олишни талаб қилади.

Бу таълим жараёнида ўқувчиларда масалаға индивидуал ёндашиш, масалани ҳал қилиш усуллари таниш, масалаға конструктив ёндашиш, лойиҳалаш, ўз қарашларини ҳимоя қилишнинг кўп вариантлилиқ тамойилини шакллантириш кўникмаси вужудға келади. Бу кўникманинг заминида эса боланинг ўз қобилиятни масъулият билан мустақил намоиш қилиш, танилаган мутахассислигига ўз ишончининг тобора ошиб боравериши ётади.

Юқорида келтирилган режаларни ташкил қилувчи, амалға оширувчи, ўқувчи ёшларимизда уни шакллантирувчи бу албатта ўқитувчилардир. Шунинг учун бугун ўқитувчиларни тайёрлаш билан банд бўлган профессионал таълим ва Олий таълимдаги давлат, хусусий ўқув юртлари ўқув режаларни тубдан ўзгартириш, улардаги назария ва амалиёт интеграциясини амалиёт ва назария интеграциясига айлантириш, ҳатто назарий фанларни ҳам амалиёт тилиға кўчириш талаб қилинади. Чунки, бугун мактабгача таълим факултетида ўқув ишлари учун 7314 соат ажратилган бўлса, шулардан 1781 соати бевосита таълим методикасига бағишланган. Кузатувларға кўра ушбу соатлар ҳажми беш йўналишға кўра ўқув предметлари орқали амалға оширилади. Лекин амалиётда ушбу машғулотларда кўпчилик ҳолларда асосан талабалар назарий масалаларни кўриб чиқиш билан банд бўладилар. Бугун ўқув дарсларни ташкил қилишда амалиётға катта эътибор берилаётгани ҳақида гапирдик. Шулардан келиб чиққан ҳолда услубиятға йўналтирилган ўқув дарслари биринчи галда миллий педагогикаға, миллатнинг турмуш тарзига, миллий маънавиятға ва руҳиятға, миллатнинг идеали билан боғлиқ бўлган бошқа бир қатор масалаларға ҳамда миллий маънавий ҳаёт билан умуминсоний маънавий

борлиқ ўртасидаги бирлик асосида ташкил қилиниши керак. Тарбия қанчалик кундалик ҳаёт, унинг муаммолари, ташвишлари ва қувончлари билан боғланган бўлса тарбия жараёнида келтириляётган мисоллар уларнинг ҳаётидан олинган бўлса таълим-тарбия жозибадорлиги шунча ошган бўлади.

Миллий тарбиямизнинг ғоявийликка одоб-ахлоқ, гўзаллик, диний маънавий-маърифий ва меҳнат қадрига йўналтирилган жиҳатлари ҳали очилмаган кўриқ. Биз замонавий мактабгача таълим тарбия тизими ҳақида гапирганимизда биринчи галда, миллатнинг қалби бўлган ушбу миллий маънавий қадриятларни 3-7 ёшли болалар қалбига сингдириш педагогикаси ва психологиясининг замонвий назарияси ва услубияти устида ишласак миллий ва умуминсоний қадриятлар гармониясига муҳим ҳисса қўшган бўламиз.

Олий ўқув юртидаги таълим-тарбия жараёнининг 80% ни талабаларнинг мактабгача таълим ташкилотларида олиб борадиган кузатув, бевосита таълим ва тарбия ишларида иштирок этишлари ташкил этиши керак. Талаба кузатув, таҳлил, баҳо ва тарбиявий сезгирлик малакаларини мустақил ошириб борса ва уларда биринчи курсидан бошлаб илмий характерга эга бўлган изчил фаолият кўникмаси ҳам шаклланади. Уч йиллик кузатув, таҳлил унга мустақил илмий изланувчиликни, мустақил лойиҳаларни шакллантириш, таълим-тарбия жараёнларини моделлаштириш, рақамли бошқарув технологияларни эгаллаш имкониятини беради.

Худди шунингдек, институт, университетларда ўрганиляётган “Фалсафа” фанини амалий фалсафа сифатида ўрганилса, унинг муаммоларини бугунги кун муаммолари билан уйғунлаштирилса ушбу жараёнга талабаларни қизиқтирган тамойилларга кўра ёндошилса, таҳлилга кўп векторлийлик олиб кирилса, назаримда дунёқараш мазмунини ифодаловчи фалсафанинг ҳаётий зарурияти ва унга бўлган қизиқиш шу даражада ошган бўлар эди. Айни вақтда агар фалсафа ўқитувчиси фалсафий масалаларни тушунтириш жараёнида гуманитар таълимни ҳам талабалар онгига сингдириб борса бу бўлажак мутахассисларни тайёрлашда жуда муҳим рол ўйнаган бўлар эди.

Бунинг учун масалан, фалсафада ўқитувчи ҳаёт ва унинг маъносини тушунтираётганда Навоий ғоялари оламига, унинг гуманизмига алоҳида тўхталса яхши бўлган бўлар эди. Бунда у Навоийнинг

Менга қилса бир жафо, бир марта фарёд айлабон,
халққа қилса бир жафо юз марта фарёд айларам,

деган радифини талабалар иштирокида муҳокама қилиши фалсафанинг гуманистик функцияси мазмунини очиб берилишига ёрдам берган бўлар эди.

Буни инновацион технологияларнинг баҳслашув усули бўйича амалга ошириш яхши самара беради.

Бу усул талабаларнинг ўқув гуруҳларида ўзларининг ўзаро муносабатларини янада яхшилаш, бир-бирига тезлик билан кўникишлари ёки ўзаро бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлишлари учун ёрдам беради.

Баҳслар талабаларни ўз фикрларини чархлаб олишга, ҳаётга ва турли муаммоларга бўлган муносабатларни аниқлаб олишга ҳам катта ёрдам беради.

Баҳс мавзуси ҳисобланган Навоийнинг Менга қилса бир жафо, бир марта фарёд айлабон, халққа қилса бир жафо юз марта фарёд айларам, матни бўйича ўқитувчи томонидан баҳс давомида муҳокама қилинадиган саволлар белгилаб қўйилади. Баҳсни ўтказиш учун ўқитувчи талабалардан бошловчини тайинлаши ҳам мумкин. Бундан ташқари доскани ёки ватман қоғозини икки ёки уч қисмга бўлиб, икки ёки уч кишини берилган жавобларни ёзиб боргувчи қилиб тайинлаб қўяди. Баҳс қатнашчилари баҳсни ўтказиш ва унда ўзларини тута билиш, бошқара олиш тўғрисидаги қоидалар билан олдиндан ёки баҳс мобайнида таништирилади. Талабалар баҳслашишдан аввал нима демоқчилигини яхшилаб ўйлаб олиши, гапираётганида фикрларини аниқ, содда, мантиқий кетма-кетликда баён қилиши, фақат ишончи комил бўлган фикрларни баён этишга ҳаракат қилиши, ўзи ишонмаган фикрлар бўйича баҳслашмаслиги, кимнингдир фикрига қўшилмаса, унинг фикрини масхараламай, унинг устидан кулмай, хатосини айтмай ҳақгўйлик билан баҳслашиши, билдирилган фикрларини иккинчи бор қайтармасдан, янги фикр бўлсагина ўша фикрни баён этиши, баҳслашув вақтида қўлларни шоп қилмасдан, овозини баландлатмасдан, бақирмасдан гапириши керак.

Агар у бошқаларни ўз фикрига ишонтирмоқчи бўлса уларни ўзининг фикрига қўшилтиришни истаса, унда у ўз фикрининг исботига албатта аниқ далиллар, мисоллар келтириши лозим. Масалан, шу ўринда талаба Алишер Навоийнинг ҳаётига, Алишер Навоий “Хамса”си қаҳрамонларининг фаолиятига, Алишер Навоий тўғрисида унинг замондошлари билдирган фикрларга мурожаат қилишлиги муҳим аҳамиятга эга. Булардан ташқари, баҳслашаётган талаба ўз суҳбатдошини ҳурмат қилиши, уни хафа қилмаслиги, унинг шахсига тегадиган гапларни, қилиқларни қилмасликка ҳаракат қилиши керак. Агар шундай қилинса баҳслашувда талаба фақат кучли эканлигини кўрсатибгина қолмай, балки, маданиятли эканлигини ҳам кўрсатган бўлади. Албатта, баҳсни ташкил қилиш ўқитувчининг маҳоратига ва мақсадига бевосита боғлиқ.

Баҳсни ўқитувчи талабалар томонидан билдирилган фикрларни класслаштириш асосида жамлаши ва ҳар бир класснинг асосини ташкил қилган фикрни берган талаба ва ушбу фикрни қувватлаб давом эттирган талабаларни кетма-кетликка кўра баҳолаши керак бўлади. Баҳолашда ўқитувчи ўқувчилар таълим ютуқларини баҳолашнинг халқаро дастури PISA технологияларидан унумли фойдаланса ёмон бўлмайди.

Ушбу формулани педагогикага, психологияга, иқтисод назариясига, молияга ва бошқа фанларга ҳам кўчириш мумкин.

Ушбу мантиқнинг давоми сифатида педагогик кадрлар тайёрловчи давлат ва нодавлат олий ўқув юртлари фаолиятининг асосий қисми мактабгача таълим ташкилотларига ва мактабларга, иқтисодиёт олий ўқув

юртлариники эса, молия, банк, солиқ, суғурта ва бошқа ташкилотларга кўчиши лозим. Талаба биринчи курсдан бошлабоқ ўзи танлаган йўналиш ишхонасининг ҳавоси билан яшаши ўша ишхонанинг мувафаққияти ва ташвишларига нисбатан ўзида жавобгарликни шакллантириб бориши керак.

Булардан ташқари олий ўқув юртларида ўқитилаётган ўқув предметлари бўйича факултетларда банк иши, менежмент, солиқ ва суғурта, бухгалтерия ва аудит ёки мактабгача таълим, бошланғич таълим, педагогикаси ва психологияси бўйича ўқув иш кабинетлари ташкил қилинса ва ушбу кабинетлар улар энг сўнги адабиётлар бошқарув ва амалиёт бўйича чиқарилган давлат идоралари қарорлари ва йўриқномалари билан таъминланса, ушбу кабинетларда ҳафтада бир марта юқорида келтирилган йўналиш идораларининг етакчи мутахассислари ўзларининг соҳалари бўйича мастер класслар ўтказса ва ушбу дарслар жараёнида талабалар ўзини худди банкда ёки солиқ, суғурта идораларида ўтиргандек ёки давлат, давлат шерикчилик асосидаги боғча, хусусий боғчадаги таълим тарбия жараёнида бевосита иштирок этаётганидек хис қилса, булардан ташқари, факултетларда ташкил қилинган махсус графикга кўра 3, 5, 7 кишидан иборат талабалар гуруҳлари деканат ёки кафедра томонидан ташкил қилинган шартномага кўра мутахассислар келган банк, суғурта, солиқ, мактабгача таълим ташкилотларида бевосита кундалик иш жараёнида иштирок этишларини таъминласак бу уларнинг олий таълимдан кейинги иш билан таъминланишига ҳам муҳим ҳисса қўшган бўлар эди.

Креатив ёш авлодни шакллантириш, тарбиялаш педагогларни тайёрлаш жараёнига нисбатан танқидий қарашни кучайтиришни талаб қилади. Бу тизимнинг эса асосий субъекти олий ўқув юртида хизмат қилаётган профессор-ўқитувчидир. Албатта, ҳар бир профессор-ўқитувчи кафедрада унга ажратилган ўқув предмети бўйича машғулоти олиб боради. Бу машғулотлар, давлатда қабул қилинган таълим стандартларига жавоб бериши керак. Бу аксиома.

Аmmo, бизнингча ушбу ижрода ўқитувчи мустақиллиги, унинг масъулиятига эркинлик бериш назаримизга кўра бугун муҳимдир. Масалан, педагогика фанидан дарс берадиган ўқитувчи ушбу предметни ўқитиш жараёнини, услубини, воситаларини ўзининг шахсий педагогик концепциясидан келиб чиққан ҳолда ташкил этса, бу концепцияда мавжуд педагогик усуллардан ташқари “мантиқли – ижодкор – технологик - ролли ўйинлар” модели етакчилик қилса ва айни вақтда бунда талабаларга тенг қараш, тенг талаб, тенг рағбатлантириш, тенг баҳолаш асосий мезон бўлса бунинг нимаси ёмон? Ушбу технологиянинг биринчи қисми аудиторияларда амалга оширилса, унинг иккинчи йирик қисми ахборот ресурслари марказларида, уйда давом эттирилса бунинг нимаси ёмон?

Бизнингча, ушбу амалиёт натижасида ўқитувчи талабанинг ўзи танлаган йўналиши бўйича мутлоқ бандлигини таъминлашга кўмак беради. Талабадаги ушбу бандлик унинг ўзи танлаган касби бўйича фаолиятининг мазмунига айланиб ушбу мазмунни кашф қилиш бўйича талабанинг ижодкорлик фаолияти унга катта руҳий озуқа келтиради. Ушбу руҳий озуқа

ва профессор-ўқитувчининг талаба ўртасидаги бирликни белгиловчи омилга айланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т. 30.04.2023 йил.
2. «Ўзбекистон—2030» стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон.
3. Олий таълим самарадорлигини ошириш бўйича замонавий ёндашувлар Журнал Халқ таълими. № 4. 2023й. 37-39б. А. Ҳамдамов.
4. Панова Е. С. Креативность: истоки, идеи, реализация: сборник научных трудов. Москва-Берлин: Директ-Медиа, 2015.